

Туркистон

Элим деб, юртим деб

ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 октябрь, чоршанба. №84 (14366)

ҲОЗИРГИ ЁШЛАР



Игна билан қудуқ қазийдек машаққат йўлида ёш бўлишига қарамай Тошкент Давлат Аграр университетининг 4-босқич талабаси Азиза Авлиёқуллова ибрат олса арзигулик ишларнинг улдасидан чиқмоқда. Буни яқиндагина нашрдан чиққан "Жаҳон ва Ўзбекистон пахтачилиги" номли илмий рисола рўй-рост исботлаб турибди. Унда долзарб соҳа — пахтачиликнинг ютук ва муаммолари билан бир қаторда кўпчиликни қизиқтирган маълумотлар ҳам анчагина.

Бир неча долзарб саволларга изланувчан талаба ўз жавобини берган. Шу ўринда айтиш керакки, қишлоқ хўжалигига кўпроқ йиғитлар жалб қилинади. Аммо ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатаптики, қизларимиз орасида ҳам соҳага "тиши" ўтадиган ғайрат-шижоатлилари ҳам кўп. Фақат уларни ўз вақтида пайқаб, қўллаб-қувватлашимиз керак. Чунки ҳар қандай истеъдод учун рағбат энг катта "озик" бўлиб хизмат қилади.

Шубҳа йўқки, Азиза ҳам халқимизнинг қорига ярайдиган, элим, юртим деб ёниб яшайдиган муносиб фарзанд бўлиб етишади.

Олий Мажлис қўмитасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар ишлари қўмитасида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Олимпиада-2001" спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни қўмита раиси Азамат Зиё бошқарди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Халқ таълими вазири Р.Жўраев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Чунки, мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги ана шу ёшларга, уларнинг қанчалик соғлом ва бақувват бўлиб етишишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Табиийки, ёшлар тарбиясида спорт ўзига хос ўрин тутати. Бу борада умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳам бирламчи вазифалардандир. Мактабларда спортга оид тадбирларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилиши лозим. Ҳар бир мактабда спортнинг оммавий турларидан бири ҳисобланган футболни ривожлантириш, бунинг учун замонавий футбол майдончалари барпо этиш лозим. Мактабларда замонавий спорт иншоотларини қуришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бундай омиллар эса ўз навбатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг спорт мусобақаларини юксак савияда ўтказилишини таъминлашга имкон беради.

"Олимпиада-2001" республика спорт мусобақалари 2000-2001 ўқув йилларида тўрт босқичда ўтказилади. Биринчи босқич умумтаълим мактабларида ноябрь-январь ойларида, иккинчи босқич туман мусобақалари февраль ойида, учинчи босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида март ойида, тўртинчи финал босқичи келгуси йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Йиғилишда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Олимпиада-2001" спорт мусобақаларининг Низоми тасдиқланди.

(ЎЗА)

"Офарин" жамғармаси ташкил этилди

Миллий матбуот марказида Республика "Офарин" жамғармасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Мустақил мамлакатимизда илк бор ўтказилган "Офарин" - йилнинг энг яхши ижодкорлари республика танлови ўз моҳиятига кўра нуфузли танловлар қаторидан жой олди, десак янглишмаган бўлармик. Боиси Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан ўтказилган ушбу танлов ҳаёти ва ижодини юрт иқболи, миллат таракқиётига бахшида этган, шу йўлда изланаётган фидойи ижодкорларни улғулаш, меҳнатларини қадрлаш, янги зафарларга даъват этишдек энг эзгу мақсадда ташкил қилинган эди.

Танловнинг "Шу азиз Ватани, азиз халқимизни, мусоффо осмонимиз ва она заминимизни ҳар қанча улғуласак, ҳар қанча қуйласак о!" шiori остида ўтказилиши ҳам унинг мазмун-моҳиятини яққол ифодалаб турибди. Наврўз байрами арафасида мазкур танловнинг дастлабки ғолибларини тантанали равишда шарафлаш маросими бўлиб ўтганди. Айтиш жоизки, адабиёт ва санъат, телерадио, матбуот йўналишларида ўтказилган мазкур ижодкорлар беллашуви ғолиблигига юртимиз фах-

ри бўлган энг иқтидорли ижодкорларнинг йигирма нафари танлаб олинди. "Офарин" мукофотининг маданий ҳаётимызда тутган аҳамияти, нуфузи хорижий давлатларда ҳам эътироф этилаётди. Ана шу хайрли юмушларни мунтазам бошқарадиган муайян бошқарув тизими ташкил этилиши заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. "Офарин" жамғармасининг таъсис қилиниши бундай тадбирларнинг янада кенг-роқ қўлоқ ёйишига имкон яратди.

Юртимиз ижодкорларини янада кўтаринки руҳда меҳнат қилишга даъват этиш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, мустақиллик ғояси асосида Ватан, эл-юрт, инсонпарварлик, тинчлик ва товулик, дўстлик мавзуларини ижодкорлар асарларида кенг асос эътирувчи, ёшларда истиқлол ва буюк келажакимизга ишонч туйғуларини шакллантирувчи энг яхши ижод намуналарини яратишга қўллаб-қувватлаш янги жамғарманинг асосий вазифасидир.

Ийгилик иштирокчилари тақдифига кўра, Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев Ўзбекистон "Офарин" жамғармаси раиси этиб сайланди.

Н.Усмонова, ЎЗА мухбири

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА САБОҚЛАР

"Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президентини иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас".

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 10-модда.)

Қадим бир ҳикмат тирикдир ҳамон: Олис сафарга отланса қарвон, Етиб келиш-чун манзилга омон, Унга бош бўлган ишончли сарбон.

Суронлар ичра эрк йўлин танлаб, Олга талпинган қарвонимизни, Маррада кўриш учун бош талаб — Бирга қўллашдир сарбонимизни!

"Акел" болалар марказининг ўқув дастуридан

"Камолот" хабар беради

Ўзбекистон Миллий университетидеги "Тил - миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев ҳамда профессор Лазиз Қайумов иштирок этишди.

Тадбирни Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Комил Юсупов кираш сўзи билан очди. Урашув сўнггида тадбирда фаол иштирок этган талабаларга университетнинг эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ТОШКУЛОВ, талаба

Баҳористон туман халқ таълими бўлимига қарашли 2-ўрта мактабда вилоят "Камолот" жамғармасининг ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 11 йиллиги кенг нишонланди.

Тантананада мактабнинг юқори ва қуйи синф ўқувчилари фаол қатнашди.

Аббос ДУЛАНОВ, Қашқадарё вилояти

Фаргона вилоятида "Ёшлар гийҳандикка қарши" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда 1500дан ортик мактаб ўқувчилари, 1000дан ортик ўқитувчилар иштирок этишди.

Фаргона шаҳридаги "Камолот-Қонун" ҳуқуқий маркази тақдифи билан педагогика ва психология инновация маркази ташкил этилди.

Ақбархон МАГДИЕВ

Миллатимиз ифтихорлари

ЯПОНЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН МЕЪМОР

Техника тараққиёти борасида дунёни ҳайратга солаётган японлар бу гал ўзбек йиғитининг иштирокчи бўлиб ўтган "Шарқ шамоли - 2000" форуми иштирокчиси ургутлик Дилшод Мирзаевнинг лойиҳаси япониялик меъморлар ҳамда Фарб танқидчилари томонидан муносиб баҳоланди.

Биз иқтидорли ёш меъмор Дилшод МИРЗАЕВ билан сўхбат қилдик. — Японлар нима сабабдан форумга айнан сизни тақдиф этишди? Улар билан алоқангиз бор эдимиз? — Худди шу саволни

мен японияликларга берганим — форумга нима сабабдан айнан мени тақдиф қилдингиз, деб. Японлар бир нарсани тан олишди: улардаги меъморчилик кейинги пайтларда Фарба "оғиб" кетган. Мен тақдим этган

лоийҳаларда Шарқ анъаналари, услублари асл ҳолича сақлаб қолинган. Шу сабабдан бўлса керак, форум иштирокчилари мени "Асслигини йўқотмаган меъмор" деб аташди. Бундан мен гоят фахландим. "Шарқ шамоли - 2000" форумининг мақсади — Япония меъморчилигида Шарқ анъаналарини қайта тиклашдан иборат эди. Уларнинг фикрича, Фарба нисба-

тан Шарқимизда меъморчилик бобига ўсиш-улғайиш бўлди. — Форумда яна қайси давлатлардан меъморлар қатнашди? — Жами 12 та давлатдан: Филиппин, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Ҳиндистон, Корея, Хитой, Япония... Ҳамдўстлик давлатларидан бир ўзим эдим. Биз алоҳида танланган ҳудудда — Токио қўлтигида ўзимизнинг меъ-

рий лойиҳамизни тақдиф этишимиз лозим экан. Форумнинг биринчи кунинида ҳар бир меъмор ўзининг давлатида қилган ишлари бўйича мазруза қилди. Ва айрим намуналар тақдимоти бўлди. Иккинчи кун эса Токиога бағишлаб яратган лойиҳаларимизни намойиш этдик. Бунда Европа ва Америкадан келган танқидчилар, мухтаassisлар қатнашдилар, баҳарилган ишлар бўйича муҳокама бўлди. Бу лойиҳалар асосида китоб чоп этилиб, дунё бўйича тарқатилди. Мен Токио қўлтигида-

ги чиқитлардан барпо этилган оролча устида иш олиб бордим. Оролча шаҳарга Япон денгизи-дан кириладиган дарвоза ҳисобланар экан. Лойиҳада Токионинг умумий кўриниши ҳамда гўзал, шинаман манзараларини акс эттиришга ҳаракат қилдим. Унда шарқона шахарсозлиқнинг энг замонавий талаблари, албатта, Япониянинг шарт-шароити ва иқлими ҳисобга олинганди. Лойиҳам японларга манзур бўлди.

Содиқ НАМОЗОВ сўхбатлашди

Янги "Биз киммиз?" рўқни "Туркистон" газетаси ўқувчиларини эркин мунозарога чорлайди.

Ўз-ўзига ҳисоб бераётган инсон гурури "Мен кимман, кимнинг фарзандиман?" деган саволни ўртага ташлашни тақозо этади. Бутун бир халқ буюк мақсад билан жиқлашганда буюк ифтихор туйғуси жўш уради: "Биз кимнинг фарзандларимиз? Биз асли киммиз?"

Мантқиқ узоқ тарихга етаклайди. Шубҳасиз, етти иқлимни ҳайратга солган Темурийлар даври, ҳатто ундан-да аввалги ўтмишимизда аввалги савол аждодларимизни сўроққа тутган. Буюк Темур бобоимизнинг "Биз ким мулки Турон, амири Туркистонимиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз" деган сўзларида миллатимизнинг ўлмас туйғуси — гурур ва ифтихори бор бўйи билан мужассамлашгандир. Қалбларда, тарихларда муҳрланиб қолувчи бу каби сўзлар

БИЗ КИММИЗ? МИЛЛИЙ ҒУРУР МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТАДИ

фақат муҳим тарихий буришлар давригагина ҳосидир. Мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бундан атиги ўн-ўн беш йиллар илгари ким саволни ўртага ташлашни тақозо этади. Бутун бир халқ буюк мақсад билан жиқлашганда буюк ифтихор туйғуси жўш уради: "Биз кимнинг фарзандларимиз? Биз асли киммиз?"

Мантқиқ узоқ тарихга етаклайди. Шубҳасиз, етти иқлимни ҳайратга солган Темурийлар даври, ҳатто ундан-да аввалги ўтмишимизда аввалги савол аждодларимизни сўроққа тутган. Буюк Темур бобоимизнинг "Биз ким мулки Турон, амири Туркистонимиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз" деган сўзларида миллатимизнинг ўлмас туйғуси — гурур ва ифтихори бор бўйи билан мужассамлашгандир. Қалбларда, тарихларда муҳрланиб қолувчи бу каби сўзлар

юз йиллик, янги минг йиллик бўсағасида туркибмиз. Бу даврнинг талаблари, мезонлари, ўлчовлари янгича — янги минг йилликка хос. Шу ўринда яна бир савол туғилади: Биз ХХ асрни нима билан кузатиб кўямиз, XXI асрни нима билан кутиб оламиз?

Асримиз оламдан-кўп фидойи ёшларни кашф этди, десак муболага бўлмайди. Улар, ривожланган хорижий давлатларда таълим олаётган истеъдодли ёшларимиз — Ватанимизнинг эртанги тақдирини, келажагини ҳал қилувчи қудратли авлоддир. XXI аср ёшлар асри бўлади. Бу фикр Ўзбекистонимизда ўзгача жаранглайди. Боиси — бунинг ўзига хос тарихий, ижтимоий асослари мавжуд. Буюк ва фозил аждодларини берган, фан ва маданият бешиги бўлмиш қадимий Мовароуннаҳр, бугунги кунда мустақил Ўзбекистон дея эътироф этилаётган юртининг ҳозирги ёш йиғит-қизлари томирида улуг

боболаримизнинг қони оқмоқда. Шундай экан, бугунги ёшларимиз Абу Али ибн Сино, Беруний, Темур, Навоий, Улуғбек, Бобур, Ҷўлпон, Қодирий каби закий боболаримиздан ибрат олишса, уларнинг ўғитларини, ҳаёт йўлларини ўзларига намуна қилиб яшашса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Бир ҳақиқат ўзгармайди. Ўтмишимиз ҳеч қачон силлиқ кечмаган. Халқимизнинг пароканда бўлган дамлари-ю, ягона, эзгу мақсад атрофида жиқлашган онлари кўп бўлган. Ўрта асрлар ва ундан олдинги даврларда юз берган босқинларни, буюк соҳибқирон бобомиз салтанатининг инқирозга юз тутишини, Мовароуннаҳрнинг уч хонлиққа бўлиниб кетиши-ю, чоризм истилоси... Эҳ-ҳе, сўйлайверса, до-стларга сигмайди тарихимиз бор. Ундан зарур хулосалар чиқариш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бусиз келажагимиз ҳақида ўйлаш, бош қоти-

ришдан фойда йўқ. Кўксимизни тоғдек кўтарувчи бир таскин бор. Юрт равнақи йўлида ўқиб-изланаётган, фидойилик билан меҳнат қилаётган Алпомиш ва Барчинларнинг, Жалолидин Темур Маликларнинг авлодлари — бугунги ёш йиғит-қизларимизнинг энг навқирон, энг куч-ғайратга тўлган асосий қисми йигирма йиллардан бери ёшда. Улар яна бир неча йилдан кейин Ўзбекистонимиз нуфузини янада юксакка кўтарувчи баркамол авлодга айланадилар. Зеро, буюк аждодларининг муносиб авлодлари бўлмиш бугунги ёшлар бундан-да улғурок, бундан-да буюроқ эзгу, ҳайрли ишларни амалга оширишга қодирдир. Биз киммиз, кимнинг фарзандларимиз? Тарихнинг бурилиш нукталарида яшаётган инсонлар, айниқса, ёшлар юқоридаги каби саволлар гирдобига қолади. Дарҳақиқат, дарахтни маҳобатли этгучи сув,

тупроқ, қуёш нури сингари унсурлар қаторида турғувчи бақувват замин қат-қатига ёриб кирган илғизларнинг аҳамияти нечоглик катта бўлса, Инсоннинг ўзлигини англашда, қомил шахс бўлиб етишувида улуг аждодлардан гурурланиш, уларнинг эзгу амалларида риоя этмок, лозим чоғда эса ўтмиш хотирасидан зарур хулосалар чиқара билмак жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз дунё тараққиётида ўзига хос ўрин тутган миллатнинг фарзандларимиз. Биз "Авесто", "Девону лугатит-турк" сингари дунё маданиятида нодир намуналар яратган халқ авлодларимиз. Биз ўз Яссавийларимиз, Навоийларимиз, Бобурларимиз, Амир Темурларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Юрт мустақиллиги йўлида шаҳид кетган минг-миглаб фидойи фарзандларимизни доимо ёдда тутамиз.

Бизни масъулият туйғуси бир дақиқа бўлсин тарқ этмайди. Улуг аж-

додларимизга муносиб фарзанд бўла олдимки, деган савол бизни доимо сергақликка чорлайди. Аччиқ бўлса-да, ай-тиб ўтиш лозим: қалбда ўз миллатидан гурур туймаган, ўзи кимларнинг фарзанди эканини ҳис қилмаган йиғит-қизларгина бефарқ, лоқайд бўлишлари мумкин. Миллий гурур, ўзлиқни англаш туйғуси мўъжизалар яратади. Бугун "Асака автомобиль заводи"да энг сўнгги русумдаги компьютерларни моҳирлик билан бошқараётган укаларимиз, сингилларимиз АҚШ, Англия, Германия сингари ривожланган давлатларда таълим олаётган талабаларимиз бизнинг бугунимиз ва эртанимиздир.

Дунё тараққиётида "Ўзбек модели" деган ибора пайдо бўлганининг, миллий курашимиз тиссонлида ўзбек сўзлари бутун дунёда баралла жаранглаётганининг ўзиёқ биз кимларнинг авлодлари эканлигимизни исботлаб турибди.

Президентимиз томонидан бизга берилган алоҳида эътибор биз ёшлар учун янги-янги имкониятларни очмоқда. Назаримда, нафақат келажақ, балки бугун ҳам ёшларникидир. Зеро, фурсат шоқинлик билан ўтмоқда, тараққиёт суръати тезлашмоқда. Бу талабга, бу шиддатга "лаббай" дея жавоб бермок биз ёшларнинг энг масъулиятли вазифамиздир. Бу жараён моҳиятида миллий гурур, ўзлиқни, ким эканлигимизни англашга бўлган интилиш ҳам ётади.

Муҳтарам Президентимиз: "Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг фарзандларим!" - дея таъкидлаб айтган эдилар. Бу сўзлар замирида биз ёшларга бўлган катта ҳурмат-эҳтиром, умид ва ишонч ётибди. Президентимизнинг ишонч-интилиши оқлаш биз — ёшларнинг Ватан ва халқимиз олдидаги энг катта бурчимиздир.

Қахрамон ҚУРОНБОВ, "Камолот" жамғармаси Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ислом КАРИМОВ:

Биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда.)

ВАТАН СУЯНАДИ АСКАРЛАРИГА

Ватан олдидаги қасамд барча қасамдлардан баландроқдир. Болалик йилларининг эсла. У йилларнинг ўйинларида ҳам Ватан ҳимояси, ватанпарварлик ҳисси бўлар эди. Сен душман тараф бўласан, мен "ўзимизникилар"дан бўлман, дер эдик дўстларимизга.



Ҳар қанча қалқон бўлгулик болалар ўстирсагина юраги фахрга тўлади ўзбек отасининг. Ўғли хизматдан қонча элқалари чўкиб, боши эгилиб қолади оталаримизнинг.

"Мен Ватан ҳимоясига тайёрман" деган муқаддас қасамддан қадди тикланади оталаримизнинг.

Ватан деб шахид кетганларнинг, юраги Ватан деб урган ўғлонларнинг отаси Ватан, онаси Ватан бўлади. Ватан уларни иссиқ бағрида кучоқлаб яшайди. "Сен мени деб қон кечдинг, сен менинг оқойиш қуналарим учун ҳалок бўлдинг" деб Ватан овутиди уларни...

Эйтилди Ватанлар бор, ифтихори, борлиги, борлиги Ватан бўлганлар бор дунёда. Улар гўзал орауларини Ватан тинчлигида кўрадилар. Улар эйтилди, собит руҳли, юраги миллат туйғуси билан тўла фарзандлардир.

Юртни ёв босганда мардлар синондан ўтади. Юрт дарвозасини қону олов кечиб ҳимоя қилган аскарлар юртнинг чин ва асл суянч тоғи бўлади. Уларнинг ортларида фахр қолади. Авлодлар улар номини байроқни ўпгандек асраб авайлайдилар. Улар кўрсатган

қадрамонликка ихлос қиладилар. Чунки фақат Ватанга руҳи билан қоришиб кетганлар, Ватан деб яшаганлар номи азиз ва мангудир!

Аскарни кучли давлат ҳеч кимнинг олдида бош эгмайдиган мағрур миллат бўлиб яшайди.

Фарзандлари йўлдан адашиб кетган давлатнинг қалбалари нурайди, дарвозаларининг тақаллари омонат туриб йирғайди. Миллатимизнинг буюк шоири Шавкат Раҳмон шундай бир сўз айтганди:

... Бор бўлса, Аларга етқариб қўйинг, Бир бошга бир ўлим демаган эрмас, Шахидлар ўлмайди, Бир қараб тўйинг, Ёвга терс қараган мусулмон эмас.

Ёв келганда қочганлар динсиз, дилсиздилар. Ўз жонини асраб қавақларга беркинганлар иймонсиздилар!

Ўзбек деган буюк миллат бу каби бедни, хон болаларни дунёга бермагай! Широқларни, Тўмарису Намоз полковларни берган эл, етмиш икки томири Озодлик деб узилган миллатпарварларни берган юрт бу.

Ватанга садоқатинг — Виждонингга садоқатингдир! Ватан деб ҳарбий либосни кийиб қасамд қилишинг Виждонинг олдидаги муқаддас бурчингдир! Эро, Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек: "Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Она Ватан эса сен туйилган уй, унда қолган ота-онанг туйишганларнинг, ёру биродарларинг демақдир".

Қасамд қилаётган ўғлон: Қўлингда Ватан байроғи бор. Руҳингда ҳам ўша байроқ дилпирайди. Сен оддий тоғларни, оддий тупроқни эмас, сен Ватаннинг тупроғи тоғларини, отангдек меҳнатқаш, онангдек масъула халқингни қўриқлаётгансан.

Сенинг тоғдек елкашга Ватан суянади. Ҳар дам сергак, ҳушёр бўлган. Бу сенинг сингалларинг, отаю онаңнинг, Ватаннингнинг овозидир.

Ватан деб шахид кетганлар руҳи мадад бўлади сенга, АСКАР ИЙГИТ!

Гулжамол АСКАРОВА, "Туркистон" мухбири

ЁШЛИК БАҲСЛАРИ

Ҳарбий хизматни ўтаган йигит билан хизматга бормеган йигитлар ўртасида қандай фарқ бор? Уларга қизларнинг муносабати қандай?

Нозима РАҲМОНОВА:

— Хизматни ўтаган йигит ҳар томонлама чириккан, жисмонан бақувват бўлади. Йигит кишининг Ватан ҳимоясига отлиниши бу катта гурур.

Дилбар АРАЛОВА, талаба:

— Йигит кишини ҳақиқий инсон қилиб тарбиялайдиган маскан ҳарбий хизматдир. Фурсат келганда айтишим керакки, ҳарбий хизматга борган йигитларимизгина ҳақиқий муҳаббатли ёр бўла олади. Шунинг учун бўлажак турмуш ўртоғим йигитлик бурчини ўташни жуда-жуда хоҳлардим.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА, талаба:

— Яқинда маҳалламиз ёшлари ўртасида кураш мусобақиси бўлди. Синфдошим билан қўшни маҳалладаги хизматни ўтаб қайтган йигит кураш тушишди. Кўп фурсат ўтмай синфдошим енгилди. Ичимда дардли оғриқ сездим. Чунки маҳалла совринини беғона маҳалладагилар олиб кетишди. Агар синфдошим ҳарбий хизматдан бўйин товламай, вақтида Ватан ҳимоясига кетганида маҳалла шаънини кўтарармиди...

Мавжуда ЖУРАЕВА, талаба:

— Ҳарбий хизмат бу — йигитларнинг етуклик палласидаги биринчи бурчи. Ҳарбий хизмат режимини, ўзини туттишни, одамгарчиликнинг ёзилган ва ёзилмаган қоидаларини ўргатади. Юртимизга кучли армия керак. Айниса ҳозирги пайтда. Фуқароларимизнинг, армияимизнинг тайёр ва сергак туриши хавфсизлигимизнинг асосий гарови, деб биламан.

Дарҳақиқат, йигитлар оиланинг гурури, Ватаннинг кўрки, миллатнинг таянчи... Улар борки, осмон тиник... Дунё тинч... Болалигидан "аскар-аскар" ўйнаган йигитларнинг бўйлари чўзилиб, бугун Ватан чегараларини қўриқлашга, йигитлик бурчини ўташга кетяпти. Улар энди ҳақиқий АСКАР. Бироқ минг афсуслар бўлсинки, ҳали ҳам ораимизда ана шу йигитлик бурчидан бўйин товлайдиганлар учрайди...

Ҳарбий хизмат, авваламбор, йигитларни ҳаётга тайёрлайди. Аскар қалбида Ватанга садоқат, ота-онани ҳурмат, оилга нисбатан меҳр туйғуларини шакллантиради. Энг асосийси, ўзини, атрофдагиларни ҳар қандай вазиятда ҳам ҳимоя қила олади. Бу бизнинг йигитлар, бизнинг аскарлар!

Зиёда АШУРОВА,

"Туркистон" мухбири

ГУМРОХ БАНДАЛАР

хато "мақсадлари"га етолмайдилар!

Жаҳолатга қарши маърифат.

Бу сўзларда қураётган жамиятимизнинг теран фикр ва адолат мезонлари асосланган маънавий қиёфаси мужассам. Унда ислом динига мутлақо ётган — диний экстремизм ва ақидапарастлик, зулм ва зулматга қарши ягона курашчи усули ўз ифодасини топаган.

Бугунги кунда республикамиз мустақиллигини кўрөлмаётган бир гуруҳ ғаразғўй кимсалар халқ тинчинчи бузишмоқчи. Бу ватанфурушлар ўзларининг ғаразли ниятларини муқаддас ислом дини ва мусулмонлик никоби остида амалга оширишмоқчи. Уларни "ислом лашкарлари" деб аташиб, ғўеки ислом динини ҳимоя қилмоқ учун "жиходга" оланганлар. Аввало, бу манфур тўдалар шуни унутмасинларки, муқаддас динимиз ёлғиз Оллоҳ ҳимоясидадир ва у бошқа ҳеч кимнинг ҳимоясига зор эмас. Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: нега энди муқаддас китобимиз Қуръони Карим орқали бу манфур кимсаларнинг асл башарасини охирига очиб беролмаётимиз? Ахир, "жоҳилликка маърифат билан жавоб бериш" шуни англамайди!

Тўри, уламою фузалоларимиз бундай ишларни жума намозларида, амри маъруфларда амалга оширишмоқдалар, лекин, назаримда, булар етарли эмас. Жамоатчиликка ислом — яратувчанлик, эзгулик дини эканини ёйишнинг бошқа бир тасвиричанроқ йўллари тўпимиз керак. Демокчиликки, нафақат ҳақ ичди бўлишимиз, балки уларга ҳайрли ишлар, солиҳ амалларда биз — имом-хатиблар, домлалар, ҳожилар ибрат бўлмоғимиз даркор.

Халқимизда "иғнани аввал ўзинга санч, оғриманга бировга" деган нақл бор. Шу нуқтаи-назардан, турли куру сўз, даъватлардан қочган ҳолда, бир оз ноқулай бўлса-да, масжидимиз аҳли томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман.

Истиқлол шарофати боис қишлоғимизда оқоқоллар билан кенгашиб, туман, жамоа ҳўжалиги фаоллари ёрдамида ҳашар йўли билан бир гектарга яқин ташландик жойни қайта ишлаб, каттагина боғ яратдик. Насиб этса, мевалардан ёки уни сотишдан тушган пулдан қишлоғимиздаги етим-есирларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам қилишни ният қилдик.

Бундан ташқари, боғнинг ёнидан махсус жой қолдирдик, сабаби ҳар бир янги оила қураётганлар никоҳ қуни айнан шу ерга келиб, ўз қўллари билан никоҳ ўтказадилар. Бундан мақсад, улар экан никоҳлар йиллар ўтиб, бақувват дарахтга айланганида, фарзандлари билан унинг соясига дам олсинлар, меваларидан баҳраманд бўлсинлар, токи ёш авлод ота-боболарининг мана шундай ибратли удумлари борлигини англаб етсин. Бу ишлар уммондан бир томчи, холос. Ёҳ-ҳей, ҳали олдимизда амалга ошириладиган қанчадан-қанча пок ниятларимиз бор. Фақат бир гап, эзгулик шундай нарсаки, ундан ҳали қувонади, қалб эса беҳад роҳатланади.

Мусулмон киши бошқаларнинг айбларини очувчи эмас, балки ёвуқчидир. Пайғамбаримиз "Кимда ким бир биродарининг айбини сир тутса, Оллоҳ ҳам қиёматда унинг айбини сир тутди, кимда ким бир кимсани кийинтирса, Оллоҳ унга қиёматда саодат либосини кийдиради" деб марҳамат қиладилар.

Демак, мусулмон кишининг асл мақсади очларни тўйдирмоқ, биродарларни аймон ва тақво либосини кийинтирмоқ экан. Ҳўш, бу кимсалар-чи? Уларнинг ғаразли ниятини амалга ошириш учун минг-миглаб кишиларнинг мол-мулкларини талон-торож қилиб, жосулик содир этиб юришса-ю, яна қандай мусулмонликни талаб қилишмоқда?! Буларда инсоф, аймон, Худодан кўриш деган тушунчалар борми, ўзи? Эйтибор беринг, Парвардигор қиёматда "қилган амалларингиз ва савобларингиздан жавобгар бўласизлар" демоқда, "айтган гапларингиздан" демаяпти-ку! Оллоҳнинг қалмасини бот-бот такрор қилиб, турли қабих амаллар билан қайси ислом динини ёқламоқда, улар? Яратган Ёгам яна, қиёматга ҳар кимга ўзи эргашган даҳоларининг ортидан бориши буюрилишини, агар у даҳо жаннатга кирса, булар ҳам жаннатга киришини, агар дўзахга кирса, улар ҳам дўзахга киришларини айтиб қўйибди. Бу "алломалар"га эргашган кимсалар шунчалик қонхўрлик, пасткашлиқлар билан қай мақомга эришгай?

Давлатимиз раҳбарининг бу жоҳилларга маърифат билан жавоб берайлик, деган сўзлари ҳар сафар амалда ўз исботини топиб келмоқда. Деярли унутилаётган бобоқалонимиз Имом ал-Бухорий қабларининг бутун ислом олами мусулмонлари учун муқаддас зиёратгоҳга айлантирилшини, Марказий Осиёда ягона бўлган Ислом университети ташкил топиши ва бошқа қатор эзгу ишлар шулар жумласидандир. Бунга кўрмган, билмаган, қадрига етмаган кўр бўлади. Чунки бу эзгу ишларнинг тағида фақат ибрат, ибрат ва яна ибрат ётибди. Чунки бунда яратувчанлик, зинди антишли муҳасам!

Ҳар биримиз ўзимиздан ўзимиз ҳолисалиллоҳ сўрайлик-чи, хўш, қайси бир амал асл ислом динига ҳас — яратувчанликми ёки бузғунчилик?

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган, бир-бирини мантиқан тўлдирувчи — "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиний жавобгарликдан озод этиш тўғрисида" ҳамда "Амниётлардан қочган ҳолда, бир оз ноқулай бўлса-да, масжидимиз аҳли томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман.

Истиқлол шарофати боис қишлоғимизда оқоқоллар билан кенгашиб, туман, жамоа ҳўжалиги фаоллари ёрдамида ҳашар йўли билан бир гектарга яқин ташландик жойни қайта ишлаб, каттагина боғ яратдик. Насиб этса, мевалардан ёки уни сотишдан тушган пулдан қишлоғимиздаги етим-есирларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам қилишни ният қилдик.

Бундан ташқари, боғнинг ёнидан махсус жой қолдирдик, сабаби ҳар бир янги оила қураётганлар никоҳ қуни айнан шу ерга келиб, ўз қўллари билан никоҳ ўтказадилар. Бундан мақсад, улар экан никоҳлар йиллар ўтиб, бақувват дарахтга айланганида, фарзандлари билан унинг соясига дам олсинлар, меваларидан баҳраманд бўлсинлар, токи ёш авлод ота-боболарининг мана шундай ибратли удумлари борлигини англаб етсин. Бу ишлар уммондан бир томчи, холос. Ёҳ-ҳей, ҳали олдимизда амалга ошириладиган қанчадан-қанча пок ниятларимиз бор. Фақат бир гап, эзгулик шундай нарсаки, ундан ҳали қувонади, қалб эса беҳад роҳатланади.

Мусулмон киши бошқаларнинг айбларини очувчи эмас, балки ёвуқчидир. Пайғамбаримиз "Кимда ким бир биродарининг айбини сир тутса, Оллоҳ ҳам қиёматда унинг айбини сир тутди, кимда ким бир кимсани кийинтирса, Оллоҳ унга қиёматда саодат либосини кийдиради" деб марҳамат қиладилар.

Демак, мусулмон кишининг асл мақсади очларни тўйдирмоқ, биродарларни аймон ва тақво либосини кийинтирмоқ экан. Ҳўш, бу кимсалар-чи? Уларнинг ғаразли ниятини амалга ошириш учун минг-миглаб кишиларнинг мол-мулкларини талон-торож қилиб, жосулик содир этиб юришса-ю, яна қандай мусулмонликни талаб қилишмоқда?! Буларда инсоф, аймон, Худодан кўриш деган тушунчалар борми, ўзи? Эйтибор беринг, Парвардигор қиёматда "қилган амалларингиз ва савобларингиздан жавобгар бўласизлар" демоқда, "айтган гапларингиздан" демаяпти-ку! Оллоҳнинг қалмасини бот-бот такрор қилиб, турли қабих амаллар билан қайси ислом динини ёқламоқда, улар? Яратган Ёгам яна, қиёматга ҳар кимга ўзи эргашган даҳоларининг ортидан бориши буюрилишини, агар у даҳо жаннатга кирса, булар ҳам жаннатга киришини, агар дўзахга кирса, улар ҳам дўзахга киришларини айтиб қўйибди. Бу "алломалар"га эргашган кимсалар шунчалик қонхўрлик, пасткашлиқлар билан қай мақомга эришгай?

Давлатимиз раҳбарининг бу жоҳилларга маърифат билан жавоб берайлик, деган сўзлари ҳар сафар амалда ўз исботини топиб келмоқда. Деярли унутилаётган бобоқалонимиз Имом ал-Бухорий қабларининг бутун ислом олами мусулмонлари учун муқаддас зиёратгоҳга айлантирилшини, Марказий Осиёда ягона бўлган Ислом университети ташкил топиши ва бошқа қатор эзгу ишлар шулар жумласидандир. Бунга кўрмган, билмаган, қадрига етмаган кўр бўлади. Чунки бу эзгу ишларнинг тағида фақат ибрат, ибрат ва яна ибрат ётибди. Чунки бунда яратувчанлик, зинди антишли муҳасам!

Ҳар биримиз ўзимиздан ўзимиз ҳолисалиллоҳ сўрайлик-чи, хўш, қайси бир амал асл ислом динига ҳас — яратувчанликми ёки бузғунчилик?

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган, бир-бирини мантиқан тўлдирувчи — "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиний жавобгарликдан озод этиш тўғрисида" ҳамда "Амниётлардан қочган ҳолда, бир оз ноқулай бўлса-да, масжидимиз аҳли томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман.

...Ойнадан ўпкалама

Шундай кишиларни биламан: улар бозорга кириб ҳеч нарса харид қилмаслиги мумкин, аммо бирор газета сотиб олиб, ундан завқ олишни яхши кўради. Бироқ, негадир бундай кишиларни бу ишга мутассаддилар ўйламайди? Тўғри, обуна бўлишга айримларнинг имконияти камроқдир, аммо кундалик нашрларни сотиб олишга имкон топа олади-ку? Ахир, туманларда яшаётган бир неча юз минглаб ёшлар газета ўқимайди, деб ким кафолат бера олади?

Обуна мавсуми бошланган айни кунларда Шеробод туман почта хизмати ва матбуот тарқатиш бўлими идораси биқинидаги дўконнинг аҳволини кўриб ҳайрон қолдик. Бу ерда Шарифа Хожиева ўн икки йилдан буён дўкон мудирлиги бўлиб ишлаётган экан.

— Нега бу ерда "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" каби газеталар сотилмаяпти?

— Бизда бор-йўғи "Қалб кўзи", "Оила ва жамият", "Хуқуқ" газеталаригина сотиляпти... Бошқасини юборишмаяпти-да.

— Нега газета ўрнига семичка сотиб ўтирибсиз?

— Сотадиган янги газеталар бўлмаса... Биздан кўпинча "Туркистон", "Аёл ва замон" газеталарини, "Ёшлик" журналини сўрашади. Лекин...

1 уларни қаёқдан топаман?

ГАЗЕТА ДЎКОНИМИ Ё... "СЕМИЧКА", САҚИЧ...

— Икки-уч ойдан буён "Туркистон" газетасини юборишмаяпти, дедингиз. Вилоятга буюртма берсангиз бўлмайдимми?

— Ўзлари хоҳлаган нашрларини юборишади. Айрим дўконларда шуям йўқ.

— Бозордаги дўконда Абдураим Мусаев деган қариямиз бор. Ишонмасангиз улардан ҳам сўраб кўринг.

Шарифа Хожиева айтган дўконга бордик. — Улар тушдан кейин ишламайди, - дейишди нон сотиб ўтирганлардан бири.

Туман шифохонаси ҳовлисидаги газета дўконига қарадик. Бу жойни газета ва журналлар сотиладиган дўкон, дейишга тил бормайди. Бирортаям на республика, на вилоят нашрларидан топиш маҳол. Унинг ўрнига печенье, совун, тароқ, сақич...

— Бу дўконга қатнайвериб, кутавериб кўзим тўрт бўлиб кетди, - дейди шифохонада даволанаётган Бахтиёр исмли йигит. — Аммо дўкондан на газета, на журнал тополмай хуноб бўлиб қайтаман. Мен каби ҳеч нарса тополмай ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетаётганлар кўп. Арзингизни кимга айтишни билмайсиз.

Шундан кейин Бандихон ҳамда Қумқўрган туманларидаги газета дўконларини кўздан кеч

чирдик. Бу ерларда ҳам аҳвол юқорида таъкидлангани каби ташвишли.

Вилоят "Матбуот уюшмаси" ташкилоти раҳбари Муҳитдин Маматқулов эса бу аҳволга негадир бепарво. У киши газета ва журналлар сотишни эмас, балки тижорат моллари сотиш ташвишида юрибди, шекилли.

Термиз шаҳри ва туманлардаги дўконларда газета ва журналларга нархлари ёзилмасдан, дўконлар ўзлари хоҳлаган баҳода сотишаётганлиги ҳам солиқчилар эътиборини жалб қилиши зарур бўлган оғриқли муаммолардан биридир.

Шерободдаги дўкон мудиридан сўрадим: — "Ёзувчи" газетасининг янги сони борми?

— Шундай газета ҳам борми? Умуман эшитмаган эканман. Қаерда чиқади?

Қизик, дўкон мудирининг аҳволи шу бўлгандан кейин дардингизни кимга айтишни ҳам билмай қоласиз.

Хуллас, газета ва журналлар савдосидаги бундай аҳвол тоқайгача давом этади? Маънавиятга катта эътибор берилаётган бугунги кунда газета ўрнига сақич сотаётганларнинг виждони қандай чидаётган экан.

Жовли ХУШБОҚОВ,

"Туркистон" мухбири

Агар мендан дунёда энг оғир юмуш нима деб сўрасалар, сира иккинчиси: "Тарбия!" деб жавоб берган бўлардим. Тарбия ишининг осон эмаслиги ҳаммага аён ҳақиқат. Бу мушкулот, халқимиз табири билан айтганда, чидаганга чиқарилган.

Айниқса, ҳозирги ўтиш даври ва баъзи қийинчиликлар билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ёшлар тарбиясида муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Миллий кадрятларимизга, мустақиллик мафурасига, шарқона урф-одатларимизга ёт таъсирлар ҳам кучаймоқда. "Уш, шундай мураккаб шароитда асосий наҳот нимада?" - деган савол туғилади. Бу қийин саволга "Нажот — илму маърифатда" дея осонгина жавоб берсам, янги гап айтган бўлмайман, албатта. Дарҳақиқат, ушбу широк яқин ўтмишда жадидларнинг бош мақсади, орауси бўлган эди. У ҳали-ҳамон долзарблигини, муҳимлигини йўқотмаган.

Кўш уясида кўрганни қилади деганларидек, бола отага ҳурматни аввало онасидан ўрганади. Агар она оила бошлиғи — эрини тушунмаса, ҳатто тушунишни ҳам истамаса, эрининг кўнглига қараб иш тутмаса, эр боғдан келганда тоғдан келиб турса, қилдан қийик ахтариб гап қайтарса, бундай оилада отанинг ҳурмати ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ноҳақ оилада эса рўшнолик ҳам, файзу барақа ҳам бўлмайди.

Мен худди шундай оилалардан бирини биларман. Зийлилар хонадони бўлиш бу оилада биринчи кетин тўрт нафар фарзанд ўсиб вояга етмоқда. Ҳаммасини уйли-жойли қилиш керак. Хайри ташвишлари ҳали олданда. Бу оилага ёру биродарлар, кўни-нақл бор. Ҳақиқатан ҳам

Хозирги ёшлар "ЭХ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ..."

Ҳамма кўнглисизликлар, тўғри йўлдан оғишлар беркорчиликдан, эзгу мақсаднинг йўқлигидан, бетайинликдан бошланади. Тўғри, бозорда сақин сотиш билан ҳам оилага ёрдам бериш, тирикчиликни ўтказиш мумкин. Афсуски, орамизда "Пул топса бўлди-да, ўкиган" нима бўлганди ҳозир!" дея фикрловчилар ҳам оз эмас. Улар келтирган далил-асосларга бир қарашда жўялироқ эътироз билдириш ҳам мумкин. Таассуф ила қайд қилиш жоизки, ўткинчи нарсалар билан боқий кадрятларнинг, муҳим билан номуҳимнинг фарқи фақат ёшларгина эмас, айрим катталар ҳам бормайди. Демак, бу ўринда тарбиянинг ўзини қайта тарбиялаш ҳақида гапиришга тўғри келади. Бу эса кўп мушкул ишдир...

Чунки зоҳирда — четдан қараганда ҳамма нарса рисоладагидек. Аммо ботинда... Асосий муаммо — юқорида айтилганидек, хотин эрини тушунмайди, шу боис болалар ҳам отанинг қуйиниб айтган панд-насихатларига лоқайд қарашади. Ноҳақлиги шундоқ кўриниб турса-да, онанинг эрини олишади. Шу боис бу оилада тез-тез уруш-жанжал бўлиб туриш одат тусига кириб қолган. Болаларнинг келажаги ва бахтини қўришдан кўра олийроқ мақсад бўлмаган, ҳамма нарсада тартиб-интизомни, саранжом-сариталикни, мукаммалликни истовчи, шунга интилувчи ота эса оиладаги носоғлом муҳитдан сиқилади, дардини кимга айтишни билмай эзилади. Ҳатто бир неча бор бош олиб, "оёқ етганга кет" ишни ҳам хаёл қилади, аммо ҳар гал болаларини ўйлаб, шаштидан қайтади. Узи отасининг қистови билан муҳаббатсиз турмуш қургани учун энди фарзандларининг икболини ўйлаб, уларнинг кўнглига қараб иш тутушни дилдан ўтказиб, шайтонга ҳай беради. Ёшлардан нолиш янгилик эмас, албатта. Ҳатто бундан минг йиллар муқаддам битилган кўлёмза ёдгорликларидан ҳам бобокалонларимиз "Эх, ҳозирги ёшлар бузилиб кетаяпти-да!" дея зорланишган экан.

Кўзи билан қарашга одатланиш лозим. Шундай дейману, барибир ўзим ҳам ана уша ёшлардан нолиётган бобокалонлардан бирига ўхшаб қолаётганимни ўйлаб, ичимдан зил кетаман. На чора, ҳаммамиз ҳам ўз давримизнинг фарзандларимиз. "Уш, илдоадан мақсад нима? Ёшларнинг нимаси Сизга ёқмайди?" - деган табиий савол туғилади. Кузатишимча, бир тоифа ёшларда илму маърифатга, маънавиятга интилиш, чанқоқли сезилмайди. Улар "Ёшлиқда олинган билим тошга ўйиб ёзилган битик" эканлигини тегаран ҳис қилишмайди. Маданият вақтини тежашдан бошланганини ёшларга тушутириш қийин. Улар вақтини тежашдан; ҳар бир соат, лаҳзанинг қадрига етишдан кўра телевизор олдига соатлаб ўтиришни афзал кўришади. Киноб, газета-журнал ўқиймайди ҳисоб. Чамаси, улар вақтини бир умрга бериб қўйилган, туғанмас, кезиб бир нарса деб ўйлашади.

ФМТ-1 АБОНЕНТЛИК Газета 203 Туркистон Обуна сони 2001 йил учун (ойлар бўйича) 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашрга етказиш варақаси 203 Туркистон Обунани янги манзилга юбориш 2001 йил учун (ойлар бўйича) 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Шодмон ОТАБЕК "Обуна-2001"

ЯНГИ АСР СОВФАСИ

XXI аср — ёшлар асри! XXI аср дунёси — ёшлар дунёси! XXI аср осмони — ранглар осмони: Камалак! XXI аср ёшларининг овози — "Туркистон" газетаси! Ниятимиз, XXI аср кутлуғ келажақ, Республикаси ёшларининг ягона ижтимоий-осий газетаси — "Туркистон"га обуна давом этмоқда. XXI асрда "Туркистон" газетаси замон билан ҳамнафас ҳолда барча муҳлисларга, барча ёшларга ижтимоий-осий йўналишдаги саҳифалардан ташқари "Ёшлар дунёси" ва "Камалак" саҳифаларини ҳам мунтазам тақдим этади.

КИМ ДЭ ЧЖУН — НОБЕЛЬ МУКОФОТИ САРИ

Давлат раҳбарлари



Ўтаётган асрнинг Тинчлик соҳасидаги сўнги Нобель мукофоти Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун сазовор бўлди. Норвегия Нобель мукофоти қўмитасининг билдиришича, у "Жанубий Корея ва умуман, Шарқий Осиёда демократия ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги хизмати, асосан Шимолий Корея билан тинчлик ва мурося ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун" бу юксак унвонни қўлга киритди.

Бугун Нобель мукофоти, унинг халқроқ миқёсдаги мавқеи ҳақида гапириш ортиқча. Чунки мазкур мукофот билан боғлиқ тафсилотларга оммавий ахборот воситаларида жуда кўп ўрин берилган. Шу боис биз ушбу мақолада Нобель мукофотининг Тинчлик соҳасидаги бу йилги совриндори - Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун фаолияти хусусида сўз юритишга жазм этдик. Зотан, Ким Дэ Чжун шахси, умуман Нобель соҳибига деган унвон ортида турган инсон тақдири тўғрисида фикр юритиш аини мукофотнинг бугунги аҳамиятини бир қадар ойдинлаштиради, деб ўйлаймиз.

1997 йилда Ким Дэ Чжун - Жанубий Корея Республикасининг саккизинчи Президенти этиб сайланди. Собиқ "дессидент", умум-халқ президентлиги сайловидан тўрттинчи марта катнашиб голиб бўлди.

Бу пайтга келиб эса янги Президенти Корея Республикасини ташкил топгандан бери илк марта дуч келинаётган жуда жиддий муаммо - мавжуд иқтисодий инкироздан чиқиб кетиш вазифаси кўтиб турарди. Шу боис ҳам у ҳукумат раҳбари сифатидаги дастлабки икки йилни мавжуд бўҳронни бартараф этишга бағишлади. Мамлакатни банкротлик ботқоғидан олиб чиқишда ўз раҳбарлик қобилиятини кўрсатди. Одамларнинг ички иродасини йиғиб, яқдиллик билан мамлакатнинг ташқи валюта захира-

тишида бироз бўлса-да ёрдам бўлди. Корея чукчур иқтисодий инкирозни нисбатан қисқа вақт ичида муваффақиятли енгиб ўтди. Ким Дэ Чжун Жанубий Кореяни тараққиёт йўлига қайта олиб чиққан раҳбар сифатида ҳам шуҳрат қозонди.

Президент Ким мамлаката қайта қуриш ва ислотлар ўтказишдек оғир вазифани ўз бўйнига олди. Кореяда демократияни чуқурлаштириш, бозор иқтисодийнинг кенг қўламада жорий этиш, самарали ижтимоий таъминотни йўлга қўйиш ва мамлакатнинг келгуси равнақида муҳим омил бўлган ахборот ҳамда илм соҳаларини кенг равнақ топтириш масалалари шулар жумласидандир.

Шубҳасиз, Ким Дэ Чжуннинг Президентлик фаолиятидаги энг улкан хизмати - бу иккала Корея халқини бирлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари бўлди. Тўғри, кимгадир корейсларни тўла бирлаштириш бир қадар узокроқда милтиқлаётган шаш шулбасидек кўриниши мумкин, аммо қарийб ярим асрдан бери бир-бирини "кўргани кўзи йўқ" бўлиб келаётган Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида борди-келди муносабатларини йўлга қўйиш одамлар кўз ўнгига узилган ипни тутмасдан улашдек иш, десак муболаға бўлмас.

Жанубий Корея Президенти Совуқ Уруш тугагандан кейин биринчи марта Пхеньянга тарихий аҳамиятга молик сафар қилиб, Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир билан учрашди. Икки мамлакат ўртасида эзлик йилдан бери айронлиқда яшаётган оилаларни бирлаштириш борасидаги ҳаракатларни бошлади. Аини ҳаракатнинг илк самараси ўлароқ, бу йил Сиднейда чикиб ке-

торган эди). Иккинчи Жаҳон уруши сўнгида Япония ўз сиқувини тобора кучайтиригач, мактаблар ёпиб ташланди, Ким эса кема-созлик ишига ўтиб кетди. Бу пайтга келиб, эса ёш ўғлон қалбини аллақачон мавжуд сиеётга қарши исёнкорлик руҳи забт этиб улгурган эди. Корея уруши даврида Сеулга хизмат сафари билан борган Ким "мустабид сиеёт оқибатида одамлар чекаётган азобларни кўриб" чий кўнглидан ачиниш сезади.

Чунки, Кореянинг ўтиш даврида корейс халқи бошидан кечирган мана шундай қийинчиликлар Ким Дэ Чжунни катта сиеёт майдонига олиб кирди, десак муболаға бўлмайди. Ниҳоят, Ким Дэ Чжун ўз орзуларига эришди, дейиш мумкин. Чунки Жанубий Корея бугун дунёнинг иқтисодийти ривожланган камсонли мамлакатларидан бири ҳисобланади. Меҳнатқаш корейс халқи эса бетиним изланиш ва келажақка ишонч билан янги асрга кириб бормоқда. Аини аср бўсағасида Президент Ким Дэ Чжунни тинчлик соҳасида халқроқ Нобель мукофоти билан тақдирланиши эса миллионлаб корейякларга қанот бағишлаши шубҳасиз.

Зарбиби ЧОРИЕВА

Йўл қоидаси — умр фойдаси



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бош бошқармасига ҳар куни мамлакатимизнинг турли вилоятларидан йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида маълумотлар келиб туради. Агар ушбу маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар куни йўл-патруль хизмати инспекторлари мингдан ортиқ қондабузар пиёдаларни аниқлашга татти қўлга ташланади. Бир кунда ўртача 1300-1500 пиёдаларнинг қондабузини бир ойда, бир йилга кўпайтиради, қанчалик катта рақамлар ҳосил бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Агар масалага шу нуқтадан назардан қарайдиган бўлсак, ҳар куни қанчадан-қанча бахтсизликларнинг олди олинаётганининг гувоҳи бўлаемиз.

Бирок кўчаларимизда пиёдалар томонидан содир этилаётган қондабузарликлар қамаймаяпти. Гарчи ер ости ўтиш жойлари, пиёдалар учун махсус йўлаклар барпо этилаётган бўлса-да ленин аксарият пиёдаларимиз ҳамон ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, қўчани дуч келган жойидан кесиб ўтишни давом эттирмоқдалар.

Аини кунларда кўчаларимизда транспорт катнови бир мунча кўпайган. Бу ҳар бир дақиқа ичида бирор кўнглисизлик келиб чиқши мумкинлигини англатади. Бирок айрим пиёдаларимиз бу нарсани тушунишни истамайяпти, назаримда.

Агар маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган давр мобайнида республикамизда автомобиль йўлларида умумий йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳар бештадан бири бевосита пиёдаларнинг айби билан содир бўлганлигига гувоҳ бўлаемиз. Агар аниқроқ айтганда бўлсак, тўққиз ойда 1696 та йўл-транспорт ҳодисаси пиёдалар айби билан юзага келди. Улардан қанчаси азият кечди, қанчаси ҳаётдан қўз юмди. Барчамиз, хоҳ пиёда, хоҳ ҳайдовчи бўлайлик, йўл ҳаракати қондаларига қатъий амал қилишимиз, фарзандларимизни ҳам пушта ўргатиб боришимиз зарур.

Зариф ИСАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бош бошқармаси инспектори, милиция лейтенанти

Шахсан мен терма жамоамизнинг бош мураббийи Юрий Саркисянни бўлмайдиган устоз" дегим келмайди.

У мамлакатимизнинг номдор ва атоқли мураббийларидан. Мана бир неча йилдири "Нефчи"нинг ички чемпионатда фақат юқори ўринларни эгаллашга сабаб бўлмоқда. Бирок гап халқаро мусобақалар хусусида кетар экан, у тажрибасини

Осиё чемпионати

бутунлай янги терма жамоа қилиш фикри олдинги Осиё чемпионатидан сўнг илгары сурилган эди. Орадан йиллар шамолдай ўтиб кетди. Уйлайвериб эзилсан киши. Қайси бир мамлакат Президенти худди бизникидек спортни футболни ривожлантириш учун қўша-қўша қарорлар чиқармоқ-

САРКИСЯННИНГ ИККИНЧИ УРИНИШИ ҲАМ БЕФРОЙДА!

Бунда албатта футбол федерациясининг ҳам жиддий камчилиги бор



бироз оширишга муҳтож албатта. Узича олиқаноб ишлар қўлтири келадиган нимадир панд беради. Охири эса ишқал!

Одатда оддий ишқибозлар билан журналистлар профессионал футболдаги катта мураббийларнинг амалга оширолмаган ишини хатолик деб аташга урганиб қолишган. Шу нуқтадан назардан келиб чиққан ҳолда биз Саркисяннинг яна бир хатосини англадик ҳисоб. У терма жамоани қабул қилгач, Павел Садрин ва раҳматли Маҳмуд Раҳимов тузган таркибдан бошқачароқ жамоа ташкил этди. Қўпроқ ёшларни халқаро майдонга олиб чиқиб, галаба қилишини ният қилди. Аммо бунинг учун анча-мунча вақт зарур бўлишини инобатга олмайди. Демак, Осиё чемпионатидаги нолойиқ таркиб Ли-ванга кетди, бу бери. Иккинчидан, худди шу таркиб ва мураббийларнинг жуда ҳам бўшлиғи туфайли мамла-

чаларимизнинг номи "ландовур" та чиқди. Бахтияр Ашурматов, Февзи Давлетов, Абдумажит Тоиров, Александр Хвостунов, Мухтор Курбанов, Шухрат Раҳмонқулов, Отабек Шомуродов, Нейматулла Қуттибоев, Умид Исоқовлар ҳали мамлакатимиз узра "эур футболчи" деган ном чиқара олганича йўқ. Японларга ютувгани камдек терма жамоамиз арабларга ҳам индамайгина турди берди. Дарвозага кириштирилган жабобсиз беш тўпда асосан футболчиларимизнинг эмас, балки мамлакатимиз футбол мутасаддиларининг айби кўпроқ, Чунки

да. Қайси мамлакатда йилнинг тўрт фаслида ҳам бемалол тўп тегиш учун қўлай табиий икклият бор? Мустақил бўлганмига тўққиз йилдан ошди. Шу давр мобайнида ўзбек футболчи фақат бир мартагина муваффақиятга эришди. Яъни, 1994 йил терма жамоамиз Осиё ўйинлари голиби бўлган эди. Орадан етти йил ўтиб, дикчи футболчиларимиз мураббийларимиз миллион-миллион сўнни сарфлаб, халқроқ майдонларда юрибди. Наҳотки, мана шу масалалар юзасидан федерация ва спорт қўмитамиз билан ҳисоблашадиган пайт келмаган бўлса? Нормурод МУСОМОВ, журналист

Эхтиром

ЭЗГУЛИК БУРЖИ

Дунёда кўнгилга озор етказмаган, кўнгилинг гўзалликларига ишониб яшаган одамларни яхши одам деб атайдилар...

Халқимизнинг сеvimли шоири, ёшларнинг жонкуяр устози Жуманиёз Жабборов ҳақида гап кетганда, биз ижодкор ёшлар юқоридаги сўзларни тилга оламиз...

Жуманиёз ака биз — ёшларнинг ҳар бир ижодий қадамимизни қўллаб-қувватловчи, кўрганда яхши-ёмон шеърларимиз учун қўлимизни сиқиб табриқловчи устоз...

Жуманиёз Жабборов деган ёрқин ном бизнинг болалик хотираларимизни беэган шеърлар номлари қаторида туради.



Бугун юракда жуда катта эхтиром бор ўша номга... Жуманиёз Жабборов 70 ёшга тўлибди...

Биз ёшлар шоир ижодини ўқиб камолга етган туйғуларимиз учун таъзим қиладиган лаҳзалар бугун!

Айни ўша содда шеърларимизни ўқиб, кўнглимизни кўтарган самимий кўлланинг табриқлари учун миннатдорчилик билдирадиган кун бу кун!

Жуманиёз Жабборов яхшилик буржи остида туғилган инсон. Яхши одамлар дунёни тутиб турувчи ҳалоллик дарахлари каби азиздилар.

Яхшилик дарахти бўлиб яшаш насиб этсин барчамизга.

Гулжамол АСКАРОВА

БОЛАЛИККА ҚАЙТИШ

Само чексиз бир уммон бўлса, Ер унинг қирғоғидир. Биз бу қирғоқни босиб ўтиб, уммонга чиқишимиз, ундаги дунёлар билан танишмоғимиз лозим...

Мен ҳозир тикилиб ётган бу сўлим юлдузистон кеча эса мени бундан олтимиш йил олдинги ҳаётимга — болагим даврига етаклади. Кишлоқ кечалари айниқса фусункор бўлади...

Топдим нақ ўшал ер, ўшал самони. Бир тунда гўё бир умр яшадим, Лаҳзада жам эди буткул бир олам. Ут ўрдим, кўй боқдим, сомон ташдим...

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Халқ шоири

Менинг фикрим

ЎЙНАБ ТАЛТИРСАНТ ҲАМ...

Яқинда мамлакатимиз "ойнаи жаҳон"и орқали икки қисмли "Тоғлик қувё" номли бадиий фильм премьераси намойиш этилди.

Ундан сал олдинроқ ушбу фильмнинг суратга олиш долмуғини Оммавий ахборот воситаларида ўқиб, ростки, қувонган эдим. Ҳа-да, ниҳоят қишлоқ йигитининг даладаги юмушларию, турмуши тўғрисидаги ўй-кечинмалари, қишлоқ муаммолари экранга олиб чиқилди, деган умидда эдим.

Афсуски... Тўғри, кўпдан буён бўлажак қувё-ўғилни кўрмаган ота-она сал кичикроқ (аслида бу сюжет ишонсизроқ чиққан) костюм-шим олиш мумкин, аммо мен ва тенгқурларим уйланданда ҳеч қачон "овқат бер" деб келини қувмаганмиз. Ёки, фужерни фильмдагидек озғимизга тиканнимиз йўқ. Хайтовур, Фарангистонга бориб насиб этмаган бўлса-да, аммо улар томонидан суратга олинган фильмларни унда-мунда кўрган жойимиз бор...

Ҳар ҳолда бир ҳақиқатни унутмасангиз, яхши бўларди, ҳурматли фильмчилар. Биз-да нонни ҳамма кишилардек ушатиб, сўнгра истеъмол қиламиз. Бирок ҳеч қачон нонни тўрт буқлаб емаймиз. Агар, шундай ейдиган қишлоқ йигитларини кўриб қолсангиз, ўшанда-да айб уларда эмас, балки, айб нонвойчи акаларимизда бўлади. Эҳтимол, фильмчи акаларимиз "Бу оддий комедия-ку?" деб эътироз билдиришлари мумкиндир. Бироқ ҳалқимиз "ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" деган ҳикмати беҳиз айтмаган. Ахир комедия халқнинг устидан кулиш, дегани эмас-ку!

Камолитдин МИНГБОВ, тоғлик муҳбир

Камалак

Ёшлик - олтин давр. Кетса-қайтмайди. Уни қимдир суратларда, қимдир кундаликларда муҳраб қолдиришга уринади. "Хотира дафтари" номли руқни орқали ёшлик даври акс этган кундаликлар ва бошқа битикларни мунтазам равишда эълон қилиб бораемиз. Ўз ёшлигингиз, ёшлик муҳаббатни ҳаяжонлари ҳақида ёзиб юборинг.

Тахририят

Хотира дафтари

5 апрель Уйга келсам, яна совчилар келиб кетибди. Онам "яхши оилага ўхшайди, йигит билан учрашиб кўрган" дедилар, мен ёшлигимни, ўқимокчи эканлигимни вақ қилиб розилик бермадим. Онам, "ўйлаб кўрган қизим. Узи-

"Туркистон"га мактуб

БИЗ БИЛМАГАН "ЎРОҚ ВА БОЛГА"

Пойтахтимиз марказида жойлашган Амир Темур номидаги хиббон атрофини ўраб турган панжара бор. Хўш, нима бўпти, дерсиз?! Эътибор билан қарасангиз, панжарада ўроқ ва болга тасвири акс эттирилганига кўзингиз тушади. Менимча, бунга кўпчилик оддий ҳол деб билгани учун "ўроқ ва болга" ҳамон жойидан силжигани йўқ.

Эскилик сарқитларига ҳозирдан эътиборсизлик қилсак, эртани қандай бўлади?

Нурулло АБДУЛЛАЕВ, талаба

СўЗЛАРИДАН ДУРЛАР СОЧИЛТАЙ

ЎЗБЕК ҚИЗИ Сенинг момоларинг ҳаёли бўлган, Дилда, тилида каломи бўлган, Елкасин тўлдирган қирқта кокили, Камон қошларида ҳилоли бўлган, Сен ўзбек қизисан!

Кимдир ярқирасин пешонам, дейди, Оёғинг заминда ва бошинг осмон, Дунё ҳавас қилган халқ бўлгин, халқим!

Меҳнатан қочмаган, номусли, орли, Оиласи жону жаҳони бўлган. Борга ҳам, йўққа ҳам сабр-бардошли, Севгисига содик, вафоси бўлган, Сен ўзбек қизисан!

Тарих ўз ҳукмини ўтказар тайин, Сен тарих қўшиқда юлдузсан аён. Юракдан ёниб шу сўзни айтигин, Оёғинг заминда ва бошинг осмон, Дунё ҳавас қилган халқ бўлгин, халқим!

Ғамларни симирган, жафокаш бўлган, Дилларни аритиб газаллар битган. Мулоий сўздан дурлар сочилган, Сабуру бардошини ҳар ерда эккан, Сен ўзбек қизисан!

Боболарим бордир этарлик фаҳр, Ёзсам тарихинг бор — энг ёруғ тақдир, Тўфонларда омон қолганим охир, Оёғинг заминда ва бошинг осмон, Дунё ҳавас қилган халқ бўлгин, халқим!

Чарос кўзларида меҳр порлаган, Қаҳру ғазабини армон айлаган. Не келса бошига шукрлар қилган, Сен ўзбек қизисан!

Башорат қилмасан, аммо эртаси, Ўзини англаган юртнинг эгаси. Бордир зурриётинг ўзбек шеваси, Оёғинг заминда ва бошинг осмон, Дунё ҳавас қилган халқ бўлгин, халқим!

Э.И.М. Кимдир тилло бўлсин остонам, дейди, Кимдир мангу бўлсин қошонам, дейди.

Навбахор РАҲМОНОВА, Шофиркон туманидаги 1-мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси

ТАЛАБА ҚИЗНИНГ КУНДАЛИГИДАН

Кўшилар Дилдора опани ҳурмат қилишди. Тўғриси, одоб-ахлоқи, ўзини туттишига, оиласига менинг ҳам ҳавасим келади. Бир кун болалик, ёшлик хотиралари ҳақида сўхбатлашиб ўтирдик: "Сайёраҳон, сизга бир нарса кўрсатсам, нима дейсиз?" - деб сўраб қолдилар. Нима экан, кўрсата қолинг, дедим қизикчи. Менга яшил муқовали дафтар бердилар. Очиб кўрсам, кундалик экан. Агар хоҳласангиз ўқиб чикинг, дедилар. Дафтари уйга олиб келдим.

20 январь Ишдан кечроқ чикдим. Атроф гира-шира, ҳаво совук. Бекатда чироқлар ёқилган. Мен кутаётган автобусдан дарак йўқ. Нариги йўлдаги автобус ойнасига кўзим тушди. Ойнага катта ҳарфлар билан "Дилдора" деб ёзилган ва қандайдир йигит менга имо-ишора қилаётганини кўрдим. Кўзларимиз тўқнашди. Мен уни таний олмадим. Атрофга қарадим, қизлар деярли йўқ эди. Жаҳлим чикди, у томонга бошқа қарамадим. Автобус жўнаб кетди...

7 март — Кечирасиз, сизни танимадим, мени кимгадир ўхшатайсиз, шекилли? — Йўқ, ҳеч ким сизга ўхшамайди, Дилдораҳон. — Исмимни қаердан биласиз? — Мен кўп нарсани билман, тўғриси, сизни анчадан буён қўзатиб юрибман. — Нима?! — Сизни хафа қилмоқчи эмасдим, кечиринг, байрам билан табриқламоқчи эдим, холос.

Шундагина кўлидаги гўлдасганини кўрдим. Автобус келиб тўхтади. — Йўқ, ҳеч нарсанинг кираги йўқ, - деб автобусда чикди олдим. У ҳам ортимдан чикди, олинг, олсангизчи, ахир, деб гулларни қўлимга тутқазिशга уринарди. Мен эса, кимсизки, гулнингиз оламан, кетинг, - дея рад этардим. — Дилдораҳон, илтимос, гулларни олинг. Ҳозирроқ тушиб кетаман. Йўқса, уйингизга ҳам боришим мум-

кин, қаранг, ҳамма бизга қарапти. Қарасам, йўловчилар бизга ҳайрон бўлиб қараш-япти. Хижолат бўлиб, нима қилишимни билмай қолдим.

25 апрель Бугун 18 га қирдим. Дўстларим келишди. Яйраб-қувнаб ўтиргандик, эшик кўнгириги жирингиди. Эшикни очсам, кўшимизнинг ўғилчаси кўлида гул билан турибди.

1 июнь Бугун кўёв билан учрашимиз керак. Ҳаёлимга бот-бот Азиз келарди. Юрагим безовата, уф-ф, ўша йигитга ҳаммасини айтиб тушунтирсамми? Нима деб ўйлайди.

29 август Кеча тўйимиз бўлди. Шунда тантана бўлдики, кўяверинг... Дўстлари даврани роса қизитишганига Азиз ака хурсанд. Туртиб қўйдилар. Қарасам, қўла-рини қисиб жилмайдилар. Уялиб ерга қарайман. Қўлогимга пичирладилар. Боксёрингиз ўзимман.

Сайёра ШОЕВА

“ХАЛҚИМ ХИЗМАТИГА ШАЙМАН...”

Мамуржон ТУХТАСИНОВ — 1958 йил 10 ноябрда Олтиариқ тумани Янгиқўрғон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат маданият институтида тахсил олган. 5 нафар фарзанди бор. Яқинда Ўзбекистон Халқ артисти унвонига сазовор бўлди.

— Сиз санъатда энг юқори унвонга эришдингиз. Мана шу марра ижодингизга таъсир кўрсатмасмикин? — Фикрингизни тушундим. Бу унвон, шу мартабани оқлаб юриш керак. Бу мени кўпроқ меҳнат қилишга, кўпроқ изланишга ундайди.

— Устозларингиз ҳақида гапирсангиз. — Тўлқинжон Эргашев, Икромжон Бўронов, Раҳматжон Турсуновлар менга санъат сирларини ургатилган.

— Сиз туғилиб яшаётган Олтиариқ тумани нафақат деҳқонлари билан, балки улуг адиблари, санъаткорлари билан ҳам машҳур. Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон, Абдулла Акбаров, Қобилжон Юсупов, Қиличбек Тожиёв, раҳматлик Охунжон Мадалиев каби етук санъаткорлару, адибларнинг ҳаммаси айнан шу Олтиариқ фарзандлари эканлиги одамни қизиктиради.


— Тўғри айтдингиз, мен шу азиз инсонларга ҳамюрт бўлганимдан фахрланаман. Асли Жўраҳон Султонов ҳам Олтиариқда туғилган. Менимча, шундай етук кишилар етишиб чиқишига сабаб — халқимизнинг меҳнатқашлиги. Олтиариқлик бир ишни бошласа, ҳоҳ у санъат, ҳоҳ деҳқончилик бўлсин, энг юқори самарлага эришмагунча тиним билмайди. Бунинг устига одамларимиз шинаванда. Санъатнинг қадрига етади.

— Бугунги замонавий кўшиқчилик ҳақида фикрингиз. — Шу масала анча оқсайпти. Ёшлар кўшиқ орқали бугун шеър эмас, шовқин-сурсон эшитяпти. Фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатяпти. Замонавий "диск"лар халқни алдамайяптимикан... Бу масалага жиддийроқ қараш керак, назаримда.

Ғайрат АБДУЛЛАЕВ сўхбатлашди

БОШКОТИРМА

ЭНИГА: 1. Юк ташиш мосламаси. 3. Суздиргич. 5. Меъёр, ўлчов, ой. 7. Таълим тизими. 8. Чатқол тоғ тизмасига ёндош доvon. 11. Зировор бута тури. 12. "Кўшмачи" предмет. 15. "Ой"ли ўғил бола исми. 16. Кўй зоти. 17. "Сарҳуш" ичимлик. 19. Ту-



ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗИМИ? Газетанинг 11 октябрь сонида эълон қилинган бошқотирма жавоблари 1. Обуна. 2. Истиклол. 3. Кана. 4. Давлат: Обуна бўлсанг, "Туркистон" рўзномасига обуна бўл. 5. Сўз. 6. Фармонбоби. 7. Устоз. 8. Терак. 9. Газ. 10. Тиф. 11. Кўқон. 12. Уқисанг, фақат "Туркистон"ни ўқи. 13. Гўнг. 14. Утин. 15. Тантана. 16. У зўр газета.

36. Математик термин. 37. Намоз йўриги. 38. Кишиларнинг уюшув шакли.

БҮЙИГА: 1. Келажак ворислари. 2. Хосилдорлик маъбудди. 3. Усимликнинг умумий номи. 4. Миллат номи. 5. Сатирик журнал. 6. Халқ эртақларидаги митти паҳлавон номи. 7. Сирдан қўлланадиган дори шакли. 8. Шарқона янги йил байрами. 9. Саёқ қимса. 10. Фойданнинг "ака"си. 11. Музлик худуди. 12. Ипак мато. 13. Калтакесак тури. 14. Бурунга тақиладиган энгил зирак. 15. Урта Осёйлик математик олим. 16. Мушқумонлар оиласига мансуб сўт эмизувчи ҳайвон. 17. Муддатнинг синоними. 18. Ички ёнув двигателининг цилиндрлари иш ҳажмини ифодаловчи сўз. 19. Урта асрда истеъдодли ижодкорларга бериладиган фахрий ном. 20. Мухр шакли, тури. 21. Туркий қабилалар иттифоқи. 22. Баъзи Шарқ халқларида макомнинг номи. 23. Тузувчи: Мирсамғ Мирсоатов, ИИБ Академияси тинловчиси